

Ўзбекистонда инквизитор Каримов яратган мустабид режим тубанликнинг янги босқичига ўтди. Золим раҳбар ўз режими поёнига етаётганидан талвасага тушиб давлат тузилмасидаги ҳуқуқни топтайдиган барча органлардан тортиб маҳалла фаоллари ва масжид имомларигача нураётган салтанатни сақлаб қолиш ишига жалб қилган.

Айни пайтда диктаторнинг кўзига атрофдаги ҳамма душман бўлиб кўрина бошлаган. Ўзи учун душман деб ҳисоблаганларни халқ номидан юрт душманлари деб атаган Каримов МХХ дан уларга қарши курашни янада кучайтиришни талаб қила бошлади. Бунга сабаб эса сўнги пайтларда юрт ташқарисидаги дунёвий муҳолифатнинг диндорлар билан бирлашиб Ўзбекистонга кириб келиши ҳақидаги гап-сўзларнинг



ЎЗБЕКИСТОН МХХ: “ЮРТ ДУШМАНЛАРИ БИЗ БИЛАН ЁНМА-ЁН ЯШАМОҚДА”

тарқалгани билан боғлиқдир.

Шундан сўнг бошланган репрессиянинг янги тўлқинидан биринчи навбатда мамлакатдаги диндорлар, хусусан, хижобга ўранган аёллар жабр кўришни бошлади.

Бизга етиб келган хабарга кўра диктаторнинг буйруғини бажаришга астойдил бел боғлаган МХХ яқинда бутун хавфсизлик кучларининг кўшма махфий йиғилишини ўтказган.

Унда юрт душманларининг ўзлари билан ёнма-ён яшаётганлиги, ичкаридаги ҳар бир нарсанинг ярим соат ўтмасдан ташқарида жаранглаши ҳақида сўз



борган. Душман ёнма-ён яшамаса, бундай бўлмаслиги хусусида гап бориб, чоралар қўллаш ҳақида таклифлар бўлган. Биринчи навбатда, диндорларга қарши чора қўллаш кераклиги айтилган.

Шундан сўнг, бир ҳафтадирки диндорлар, айниқса хижобга ўранган аёллар устидан назорат янада кучайтириш бошланди.

Ҳозирда ҳар бир хижобдаги хотин-қиз қайтадан рўйхатга олинапти. Жойларда маҳалла фаоллари билан МХХти ходимлари биргаликда, уларнинг рўмолини “ўзбекона” қилиб орқасига боғлатишга тушган.

Маҳалла фаолларининг ҳам тилида, душманнинг ўзлари билан ёнма-ён юргани ҳақидаги гаплар.

Улар очикдан-очик хижобдаги аёлларни дуч келган жойда сўроққа тутиб, у ҳақидаги маълумотларни ёзиб оляптилар. Бирор-бир кўнгилсиз ходиса юз берса, биринчи бўлиб хавфсизлик кучлари уларни кига бостириб кириб, уларни олиб кетишини айтиб кўрқитяптилар.

Бозорларда, кўча-кўйлардаги ошхона ва дўкон эгаларининг хижобини МХХ налог ёки миршаблар орқали ечиб ташлашни талаб қиляпти. Бўйсунмаса, ошхона ёки дўконини ёптиряпти.

Ишхоналардаги хотин-қизлар рўмолини орқасидан боғламаса, ишидан ҳайдалаяпти. Бу нарса, уларнинг ўзлари билмайдиган, аммо устиларига бостириб келаётган қандайдир ҳатарга қарши бошланган ҳимоя воситаси сифатида ўртага чиқиб, соат сайин зўравонлик кучайиб бормоқда.

МХХ ўзининг жойлардаги раҳбарларининг кўпиларини алмаштиришни бошлаган. Шу йўл билан лавозимга интиқ янги кучларнинг қўли билан жамиятни “жазолашга”, “саралашга” тушган. Эскилари қон ичиб тўйингани учун танбал, қарахт бўлиб қолган, шекилли. Очларга бу иш айни муддао. Улар ўзларини кўрсатиш учун қўлларидан келган ҳамма нарсани амалга оширишга тайёрлар.

ЎХХ ахборот бўлими



Ўзбекистонга сармоя киритишдаги хавф барчага аён, бироқ бирон наф борми, деган савол «Берлек-Единство» Геосиёсий тадқиқотлар Маркази интернет саҳифасидаги мақолага сарлавҳа бўлган.

Мақолада навбатдаги Россия сармоядорининг Ўзбекистондан ҳайдалиши билан боғлиқ сўнги бир неча кун ичида Ўзбекистондаги «Оҳангаронцемент» заводи атрофида бўлаётган ҳодисалар тилга олинади. Мақола мазмунига эътибор қилинса, Ўзбекистоннинг Россия билан ҳамкорлигининг баъзи йўналишлари оқсаетганлиги муаллиф томонидан норози бир оҳангда яширин танқид остига олинади.

«И. Каримовнинг 2013 йил апрель ўрталаридаги Россияга ташрифидан сўнг, томонлар ўртасида ҳеч қандай бир шаклда ўзаро интеграциявий ташаббусларни ривожлантиришга доир ҳаракатлар кузатилмади. Хавфсизлик соҳасида ҳам Ўзбекистон ҳаттоки ўзининг сиёсий режими Ғарб кадриятларига унчалик уйғун бўлмаса ҳам кўпроқ Ғарбга ён босади», — дейилади мақолада.

Муаллифнинг фикрича, 2014 йил бошларида Каримов Прагага ташриф буюриши керак эди, бироқ бу Оврўпа Иттифоқи босими остида қолдирилди.

Шу ўринда аниқлик киритадиган бўлсак, халқаро саҳнада «диктатор» сифатида танилган Ўзбекистон президенти Ислом Каримовнинг Оврўпа Иттифоқи аъзоси бўлган Чехияга таклиф қилиниши кўплаб инсон ҳақлари ташкилотлари, ҳориждаги ўзбек фаолларининг қаттиқ норозилигига сабаб бўлган. Бунинг ортидан Чехия Бош вазири Богуслав Соботка бошлиқ ҳукуматдаги бешта

вазир ва Прага шаҳар ҳоқими айнан Каримов келадиган куни Ўзбекистон вакиллари билан учраша олмасликларини билдириши натижасида Ўзбекистон тарафи учрашувни кечиктиришга мажбур бўлганди.

«Бироқ, Ислом Каримов Ғарб учун иккинчи даражали статусга эга одам бўлишига қарамасдан

давлолат беради ва яқин кунлар ичида компаниянинг ўзбек бозорига қайтиши кутилмоқда.

Тахлилчиларнинг Ўзбекистондаги сармоя жозибаторлиги билан боғлиқ ҳолатни тилга олишлариға сабаб, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг шикоят аризаси асосида шу йилнинг 21 июль куни Тошкент вилояти хўжалик суди томонидан 1994 йилдаги «Оҳангаронцемент» бирлашмасини хусусийлаштириш натижаларини

ЎХХ таҳлили: Ўзбекистондаги сармоя муҳитининг ҳақиқий юзи

барибир АҚШ ва Оврўпа Иттифоқи билан ҳамкорликни ривожлантиришга интилади. Латвия бу ҳамкорликда воситачилардан бири бўлишга уринмоқда. Кўпгина таҳлилчиларнинг фикрича, бундай ҳамкорликнинг оқибати рангли инқилоб билан якун топади», дея юқоридаги фикр давом эттирилади.

Эътиборли жиҳати, муаллиф Ўзбекистоннинг Россия билан ҳамкорлигида сиёсий босим омилининг мавжуд эмаслигини ва биринчи навбатда, Афғонистон тарафдан бўладиган таҳдидларга қарши биргаликда ҳаракат қилишнинг муҳимлигини таъкидлайди.

«Москва Афғонистон тарафидан бўладиган ноанъанавий таҳдидларга қарши биргаликда ҳаракат қилиш мутлақо ўзини оқлади», — дея иддао қилади муаллиф.

Эътироф этиш керакки, Россия Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмасида ҳар йили биринчи ўринда бўлиб келади. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик ҳажми йилига ўртача \$ 5-7 млрд.ни ташкил қилади.

Россиялик таҳлилчиларни безовта қилган нарса сўнги бир неча йил мобайнида Ўзбекистонда россия бизнесининг кучли босимга учраши билан боғлиқ ҳолатлар саналади. Хусусан, 2012 йилнинг эзида Россиянинг МТС алоқа операторининг Ўзбекистондаги фаолиятига чек қўйилди ва унинг активлари маҳаллий оператор ҳисобига ўтказиб юборилди. Бироқ, МТС ва Ўзбекистон ўртасидаги сўнги музокаралар ўртадаги муаммолар ечим топганидан

ноқонуний тўғрисидаги қарорнинг чиқишидир.

Аслида, «Оҳангаронцемент» корхонаси жорий йилнинг апрель ойи бошларидаёқ муаммоларга дуч кела бошлаганди. Бу ҳақда бир қанча мустақил нашрларда хабарлар пайдо бўлганди. Ўшанда, «Оҳангаронцемент» заводида «кўплаб ҳуқуқбузарликлар ва молиявий қаллобликларга оид фактлар юзасидан» жиноят иши кўзғатилгани, тергов кетаётгани, завод бош директори иш жойидан ғойиб бўлгани тўғрисида айтилган ва атроф-муҳитни ифлослантираётганликда айбланган эди.

Юқорида тилга олинган мақола муаллифлари эътироф этганидек, «Оҳангаронцемент» заводи билан боғлиқ ҳодиса Ўзбекистондаги сармоя муҳитининг ҳақиқий «юзини очиб берди», — дейдиган бўлсак, бу нотўғри бўлади. Чунки бу каби ҳолатлар Ўзбекистон ичкарисидаги чет эл бизнеси учун янгилик эмас.

Бундан ташқари, чет эл сармоysi билан боғлиқ миллий қонунчилик нормаларининг халқаро стандартларга мувофиқлаштирилмаганлиги, энг асосийси ички қонунчиликда сармоядорлар ҳуқуқларини кафолатлайдиган механизмнинг йўлга қўйилмаганлиги бир неча маротаба халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг ҳисоботларида акс этган.

Шу сабабли ҳам коррупциялашган тизим қодалари асосида амалга ошириладиган

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

бизнесда давлатнинг фирромлик қилишидан нафақат Россия ширкатлари, балки Ўзбекистонга йирик микдорда сармоя олиб кирган жуда кўплаб ширкатлар зарар кўришган. Ўзбекистонда бизнеси тортиб олинганлар сифатида, мақолада санаб ўтилганидек, Демир ва Turkvaz сингари турк ширкатлари ва Германиянинг Вкусный хлеб ширкатлари қаторида АҚШнинг Newmont Mining Corp компанияси киритган сармоя асосида ташкил қилинган олтин қазиб олувчи

Зарафшан-Ньюмонт кўшма корхонаси, Британиянинг олтин қазиб олувчи Oxus Gold ширкати, Исройилнинг Metal-Tech Ltd ширкати, 2012 йилда ёпилган Ҳинд сармоясидаги Ўрта Осиёдаги йирик «Spentex Tashkent Toytera» текстил ширкати ва бошқаларни келтириш мумкин. Кўриниб турибдики, иқтисодиётни тартибга солишдан кўра тоталитар бошқаришга асосланган ўзбек режимидан жабр кўрган сармоядорларнинг аксарияти Фарбга оид.

Шундай экан, Ўзбекистондаги чет эл сармоядорларининг

мулки тортиб олинган ёки йирик микдордаги жарима шаклида маблағлари ўзлаштириб юборилган ҳолатларнинг асосий сабабини сиёсий омилларга боғлаш бироз нотўғридир. Чунки, Ўзбекистонда бизнес юритиш тамалини қонун нормалари эмас, балки коррупция ва таниш-билишчилик қоидалари белгилаб берадиган мавжуд тизимда «биринчи оила» ва унинг атрофида бирлашган гуруҳлар учун шахсий моддий манфаатдорлик ҳаттоки давлатлараро сиёсий ҳамкорликдан ҳам устун туради.

ЎХХ ахборот бўлими

Ўзбекистонда талабаларга асоссиз 195 млн. сўм ортиқча стипендия берилган

Ўзбекистондаги педагогик йўналишдаги еттига олий ўқув юртида ўтказилган текширувларда асоссиз равишда стипендиялар бериш билан боғлиқ ҳолатлар аниқланди, деб ёзади маҳаллий ОАВ.

Талабаларнинг ўзлаштириши сунъий равишда ошириб кўрсатилиши натижасида Тошкент давлат педагогика университетида 105,6 млн. сўм, Ўзбекистон жаҳон тиллари университетида – 43,2 млн. сўм, Тошкент вилояти педагогика институтида – 20,2 млн. сўм, Нукус давлат педагогика институтида – 16,9 млн. сўм, Қўқон давлат педагогика институтида – 9,2 млн. сўм бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ортиқча стипендиялар тўланган.

Бундан ташқари, текширувлар жараёнида белгиланган ўқув юктамаларини бажармаган педагогик ходимларга бюджет маблағлари ҳисобидан асоссиз ойлик маошлари тўлангани аниқланган. Жумладан, Ўзбекистон жаҳон тиллари университетида бажарилмаган 563 соатлик бажарилмаган ўқув юктамаси учун 7,2 млн. сўм асоссиз берилган бўлса, Навоий давлат педагогика институтида 9,7 млн сўм, Тошкент вилояти педагогика институтида эса – 11,2 млн. сўм асоссиз равишда берилган.

UZBEK.FM



Қозоғистонда бировнинг боласини сотган Ўзбекистонлик аёл ушланди

Қозоғистонда ўз шеригининг боласини сотган Ўзбекистон фуқроси қўлга олинди. Бу ҳақда Жанубий Қозоғистон ички ишлар Департаменти (ИИД) матбуот хизмати берган маълумотга таяниб Kazakhstan Today нашри хабар берди.

ИИД матбуот хизматининг маълумотига кўра, Қозоғистоннинг Аксуқент туманида вақтинчалик истиқомат қилувчи Ўзбекистон фуқароси бўлган 20 ёшли аёл жорий йилнинг 9 июль куни туман ички ишлар бошқармасига мурожаат қилган.

Аёлнинг айтишича, 2014 йилнинг 5 июль куни туғруқхонадан чиққан. У билан бирга ижарада яшовчи таниши, Ўзбекистон фуқароси бўлган 25 ёшли аёл уни шантаж қилиб гўдакни нотаниш бир аёлга бериб юборган.

Ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида 25 ёшли Ўзбекистон фуқароси бўлган аёл қўлга олинган.

Далилий ашё сифатида ундан 45 минг қозоқ тангаси мусодара қилинган.

«Аёл чақалоқни Чимкентда яшовчи бир танишига бериб юборганини айтган. Бирок, тергов жараёнида маълум бўлишича, у чақалоқни ҳозирда туғруқ таътилида бўлган туман касалхонасининг гинеколог врачига 75 минг тангага пуллаган», — дея аниқлик киритади ИИД.

Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан Қозоғистон Жиноят кодексининг 133-моддаси 2-қисми «а» банди (Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан келишилган ҳолда вояга етмаганлар савдоси билан шуғулланганлик) билан жиноий иш очилган. Ўзбекистон фуқароси бўлган 25 ёшли аёл эҳтиёт чораси сифатида ҳибсга олинган. Иш бўйича тергов давом этмоқда.

ИИД нинг қайд этишича, ишда гумонланувчилар ва бошқа фактлар ҳам текширилмоқда.

ЎХХ ахборот бўлими



Томонларнинг келишуви асосида ўзбек матбуотида ҳам, хориж оммавий ахборот воситаларида ҳам эълон қилинмаган Каримов ва Довутўғли ўртасидаги ёпиқ музокараларнинг мазмунини ёритамиз.

Каримов ва Довутўғли ўртасидаги мулоқотнинг асосий мавзуси Довутўғлининг Тошкентдаги матбуот анжуманида хабар берилганидек ўзаро иқтисодий алоқалар ёки туризмни ривожлантириш эмас, балки Ўзбекистон Халқ Ҳаракати (ЎХХ)

ёпиб қўйилган турк ширкатлари ишини қайта ташкил этиш ва ҳоказолар ҳақида гапира бошлади.

Деярли бир ярим соат давом этган суҳбат чоғида Ислом Каримов турк дипломатига Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги муносабатларда қандайдир икки томонлама алоқалар билан боғлиқ муаммолар эмас, асосан Туркия ҳукумати томонидан Муҳаммад Солиҳ ва ЎХХнинг қўллаб-қувватланиш эҳтимоли хавотирга солишини маълум қилди.

Ўзбек томони 2014 йил 16 июлига мўлжалланган Абдулазиз Комиловнинг қирғиз ҳукумати билан бўлиб ўтадиган музокаралар вақтида ҳам шунга ўхшаш масалаларни кўтаришни

УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: КАРИМОВ РЕЖИМИНИНГ ТУРКИЯ ВА ҚЎШНИ ЎЛКАЛАР БИЛАН МУНОСАБАТДА КУЧЛИ ВА ОЖИЗ НУҚТАЛАРИ

Ўзбекистоннинг дипломатик ҳаётида содир бўлган икки воқеа — 2014 йил июлда Туркия ташқи ишлар вазири Аҳмад Довутўғлининг Тошкентга ташриф буюриши ва ўзбекистонлик ҳамкасби Абдулазиз Комиловнинг Бишкекка бориши — каримов Оқсаройининг Туркия Республикаси ҳамда Марказий Осиё минтақасидаги қўшнилари билан ўзаро алоқаларда қозир карталари айнан нималардан иборат эканлигини кўрсатиб берди. Шундай қилиб...

Турк томони билан узок кутилган учрашув

Президент Ислом Каримов ва Туркия ташқи ишлар вазири Аҳмад Довутўғлининг Тошкентдаги учрашуви бўйича ташаббус жорий йилнинг март ойи ўргаларидаёқ шахсан Ислом Каримов тарафидан илгари сурилганди. Бирок, Ражаб Тоййиб Эрдўгон билан телефон орқали бир неча марта суҳбатлашган президент Каримов пойтахтга бош вазир Эрдўгоннинг ўзини таклиф қилган эди. Аммо Эрдўгон Туркияда бўлаётган маҳаллий сайловлар туфайли иш жадвалининг тифизлигини таъкидлаб Ўзбекистонга сафар қилишни мулойимлик билан рад қилди. Ўз навбатида у Тошкентга ташқи сиёсий идора раҳбарини юборишга ваъда берди ва жорий йилнинг июлида ўз ваъдасини бажарди.

лидери Муҳаммад Солиҳнинг Туркия ҳудудида доимий истиқомат қилиши масаласидан иборат бўлди.

Музокаралар мобайнида Ислом Каримов Туркия ҳукумати томонидан Солиҳ ва унинг ҳаракатига сиёсий, молиявий ва бошқа кўмак берилишидан хавотирда эканини билдирди. Бизни Туркияда Солиҳ атрофида унинг ҳамфиқрлари тўпланаётгани хавотирга солади. Истанбул солиҳпараст элементлар ва гуруҳларнинг зиёратгоҳига айланди, деди Каримов.

Бунга жавоб тариқасида Аҳмад Довутўғли Муҳаммад Солиҳнинг Туркияда бошқа чет эллик фуқаролар сингари яшаётгани ва Туркия ҳукуматининг ҳеч қандай имтиёзлари ёки эркинликларидан фойдаланмаётганини таъкидлади. Туркия вазирининг таъкидлашича Туркия ҳукумати муҳолиф гуруҳлар ва ҳаракатларни эмас, амалдаги ҳукуматни қўллаб-қувватлашни афзал билади. «Биз икки томонлама муносабатларга путур етказиши мумкин бўлган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш эмас, амалдаги ҳукумат билан алоқаларни яхшилаш тарафдоримиз», дея таъкидлади Довутўғли.

Фақат мана шу сўзлардан кейингина Ислом Каримов овозини бироз пасайтирди ва Ўзбекистон иқтисодиётига ётқизиладиган Туркия сармояси ҳажмини ошириш, республикадаги олдин

режалаштирганди. Каримов ўзбек муҳолифатининг 2010 йилги воқеалар пайтида ўзи хиёнат қилган Қирғизистон жанубидаги ўзбекларнинг фаол қисми билан бирлашишдан жуда кўрқди.

Каримовнинг Жанубий Қирғизистон ўзбекларига бўлган душманлик ҳисси янгилик эмас. Уш воқеаларидан анча илгари Қорасувлик таниқли диний арбоб Муҳаммадрафиқ Камолов айнан Каримовнинг буйруғи билан ўлдирилганди. Каримов унда мусулмонларни ўз режимида қарши бирлаштириш лаёқатига эга бўлган кучли лидерни кўрганди. Кейинчалик Каримовнинг котиллари ўзбек режимини танқид қилишга журъат қилган ва ўзбек муҳолифатини очикчасига қўллаб-қувватлаган журналист Алишер Соиповни ўлдиришди. Ниҳоят бундан бир ярим ойча олдин Қорасувда Муҳаммадрафиқ Камоловнинг ўғли Рашод Қори Камоловни жисмонан йўқ қилиш топширилган бир қотил (аслида улар иккита эди, биттаси қочишга муваффақ бўлди) қўлга олинди. (Қирғизистон Жанубини ўзбек маҳсул хизматлари жосуслари учун жаннат дейиш мумкин, у ерда улар ҳам маҳаллий ҳамда Ўзбекистонлик қочоқлар бўлган каримов режимининг асосий душманларини ушлашда ҳамкорлик қилишлари

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

учун маҳаллий мулозимларни сотиб олиб эркин ҳаракат қилишади).

А. Комиловнинг Қирғизистон президенти Алмазбек Атамбаев ва бошқа қирғиз мулозимлари билан юзма-юз суҳбат чоғида айнан қайси масалалар муҳокама қилинганлиги бизга маълум эмас. Бироқ бизга Ислом Каримов томонидан Ўзбекистон ташқи ишлар вазирига расмий Бишкек билан музокалар вақтида тилга олиши учун қандай тезислар берилгани маълум. Ташқи сиёсат идораси раҳбари ушбу масалани ўзбек ҳукумати хавфсизлигидан ҳавотирланиш сифатида эмас, балки умумий минтақавий хавфсизлик даражасига олиб чиқиши керак эди. Ўзбек томонининг таклифлар жамланмасида Қирғизистон жанубида яшовчи диний фаол ўзбеклар устидан назоратни кучайтириш ҳақидаги бандлар ҳам бор эди. Бу йўналишда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири ҳатто қирғиз ҳукуматига ўзбек махсус хизматларининг кўмагини таклиф қилишни режалаштирганди.

Бундай ҳамкорлик эвазига ўзбек томони қирғизларга сув-энергетика билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда ён бериш, жумладан, ўзбек газини янада арзонроқ нархларда таклиф қилишни мўлжаллаганди. Бошқа сўз билан айтганда, Тошкент Бишкекнинг янги гидороиншоотлари қуришида ва Қирғизистонга газ етказиб бериш масалаларида ён беришни режалаштирганди.

Ушбу ён беришлар кўшни республиканинг каримов режими душманларига қарши курашга кўшилиши, уларнинг Ўзбекистонга киришга уринаётган қуролли ўзбек муҳолифатига ўз ҳудудларидан йўлак бермасликлари учунгина таклиф қилинганди.

Ўзбекистон МХХ ва ТИВ томонидан қирғиз ҳукуматига тақдим қилиш мақсадида ишлаб чиқилган таклифлар жамланмаси лойиҳаси ўзбек ҳукуматининг қуролли муҳолифатдан қанчалик кўрқиниши намоён қилди. Ушбу таклифларнинг қоралама нусхаси Ислом Каримов ҳукумати томонидан Қирғизистон ва Тожикистонда яшовчи этник ўзбекларга каримов режимига қарши қуролли ҳаракатларни қўллашга тайёр аҳоли сифатида қаралишини исботлади.

Турк ва қирғиз томонлари билан бўлиб ўтган музокаларда ўзбек ҳукумати томонидан билдирилган позиция каримов режимининг кучли ва ожиз жиҳатларини юзага чиқарди. Шундай қилиб...

Қуролли муҳолифат қаршисидаги қўрқув

Ислом Каримов ташаббуси билан ўзбек армияси ташқи душманга қарши курашдан мамлакат ичкарасидаги оммавий норозилик намойишларига, қуролсиз аҳолига қарши курашга йўналтирилганди.

Яқин кунларгача Тошкент бу «йўналишни» президент Каримовнинг «ақлли ва узоқни кўзлаб амалга оширган қадами» деб ҳисобларди. Бироқ, 2013 йилнинг охирларида ва 2014 йилнинг бошига келиб каримов режими муҳолифларининг кескин радикаллашуви кузатила бошлади, ҳаттоки дунёвий муҳолифат вакиллари ҳам тинч йўллар билан курашнинг бефойдалиги ва режимни ағдариш учун қуролли усулларни қўллаш лозимлиги ҳақида гапиришни бошлашди.

Ислом Каримов ва унинг атрофидагилар эса ўзбек ҳукуматининг ҳарбий доктринаси нотўғри эканлигини тушуниб етишди. Украинадаги воқеалар мазкур доктрина нотўғрилигининг амалдаги исботи бўлди. Украинада яхши таъминланган ва кўп сонли армия баъзи ҳудудларини россиялик рақиблирига жангсиз бериб қўйишди.

Бундан сабоқ олган бўлса-да, Ислом Каримовда ўзбек армиясини ташқи таҳдидларга қарши қайтадан ислоҳ этиш учун вақти йўқ. Ва бу армияни замонавий ҳарбий техника билан таъминлаш учун унда маблағ ҳам йўқ.

Шунинг учун ҳам у вақтдан ютишни истайди. Қирғизистон ҳукуматини жангарилар билан кўрқитиб ёки унга газ ҳамда бошқа қулайликларни таклиф қилиб, уни ўз режимини кутқариб қолиш ишига жалб қилишни истайди.

Тошкент шунга ўхшаш таклиф билан Душанбега ҳам мурожаат қилишни режалаштирмоқда. Тожик тарафи учун таёрланган «таклифлар пакети»да электрэнергияси ва газ имтиёзларидан ташқари Тожикистонга юк ташини транзитини қайта йўлга қўйиш масаласи ҳам киритилади.

Бироқ, Ўзбекистоннинг Қирғизистон ва Тожикистон билан алоқаларни «яхшилаши» жараёни

узок давом этмаслиги аниқ: кўшниларга турли хил имтиёзлар ва қулайликлар Тошкентнинг ҳарбий-техникавий жиҳатдан оёққа туриб олганидан кейин шубҳасиз тўхтатилади.

Биздаги маълумотларга кўра, ўзбек Хавфсизлик Кенгашида ташқи таҳдидларга қарши курашиш лаёқатига эга бўлган сифатли ўзбек армиясини яратишга йўналтирилган янги ҳарбий доктрина ишлаб чиқилмоқда.

Ҳозирча бундай армия йўқлиги сабабли, Ислом Каримов ўз ҳукуматини, армияни ва аҳолини «муस्ताқиллик арафасида Ўзбекистондан хорижга чиқиб кетган муҳолифатчилар ҳеч қачон Ватанга қайта олишмайди», деган «ваъдалар» билан тинчлантиришга уринмоқда.

Шу билан бирга, ҳозирча бундай армия йўқ экан, Ўзбекистон Қирғизистон ва Тожикистондан каримов режимини ҳимоя қилиш учун буфер давлатлар, Туркиядан эса — Муҳаммад Солиҳ ва ЎХХни ушлаб туришда дастак сифатида фойдаланмоқчи.

Узоқ йиллардан бери давлат алоқаларининг барча жабҳалари совуқ уруш ҳолатида бўлган Туркия ва Қирғизистон билан «дўстона» муносабатларнинг бирданига ва синхрон бир тарзда қайта жонланиш сабаблари айнан мана шулар билан изоҳланади.

Айнан ушбу омиллар Ислом Каримовни президент қароргоҳи бўлган Кўксарой (Дўрмон) атрофида Чирчиқ шаҳридаги махсус ҳарбий батальондан ўзбек президентининг юқоридан тилга олинган қароргоҳи жойлашган Тошкент вилоятининг Қибрай туманига келтирилган танклар ва зирхли техникадан иборат икки қатли халқа яратишга ундади.

Каримов айёрларнинг шундай хилиданки, «қашиниши керак бўлган жойни бир йил олдиндан қашиб қўяди». Қутилмаганда Тошкентнинг Анқара ва Бишкек билан алоқаларининг «иликлашиши» ҳамда президент қароргоҳи бўлган Кўксарой (Дўрмон) атрофида хавфсизлик чораларининг кучайтирилишини фақат мана шундай изоҳлаш мумкин. Шундай қилиб...

Сўнгсўз

Туркия ташқи ишлар вазири Ахмат Довутўғлининг Тошкентга

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ташрифи ва 2014 йил июлда унинг Ўзбекистонлик ҳамкасби Абдулазиз Комиловнинг Бишкекка бориши каримов режимининг кучли ва ожиз тарафларини очиб берди дейиш мумкин.

Ислон Каримов Ражап Эрдўғон ҳукуматидан ЎХХ ва унинг лидери Муҳаммад Солихнинг Ўзбекистондаги халққа қарши режимни ағдариш учун ҳаракат қилишига қарши ўзига хос қарши чора сифатида фойдаланмоқчи.

Каримов режимининг Туркия билан ўзаро алоқалардаги кучли қартаси — Ражап Тоййиб Эрдўғон ҳукуматининг турк сармоядорларига ўзбек ҳукуматининг муносабатини яхшилаш, ва турк сармояси киритилган йирик ширкатлар ишини қайта йўлга қўйиш истагидир.

Қирғизистон ва Тожикистон билан алоқаларда эса Ўзбекистон қўшниларга нисбатан олдинги босим ўтказиш воситаларини (газ етказиб беришдаги узиллишлар, янги гидроиншоотлар қурилишига қаршилиқ қилиш) ўз сиёсий муаммоларини ечиш учун хўраққа айлантиришга ҳаракат қилмоқда.

2014 йилнинг июль ойи бир вақтнинг ўзиде каримов ҳукуматининг ожиз нуқтаси айнан

нималардан иборат эканлигини ҳам кўрсатиб берди. Юқорида таъкидланганидек, турк ва қирғиз томони билан бўлиб ўтган музокараларда Тошкент дунёвий ўзбек муҳолифатининг радикаллашуви, унинг республикага бостириб кириш билан хавф солаётган қуролли гуруҳлар билан иттифоқи ҳақидаги таҳдидларга урғу берди.

Кўриниб турибдики, каримов режимига қарши қўлга қурол олишга бўлган даъватлар, Қирғизистон ва Тожикистон билан чегарадош бўлган Афғонистон ҳудудидаги жангари гуруҳларнинг фаоллашуви, Украинадаги воқеалардан расмий Тошкент гафлатда қолган ва ҳукумат томонидан кўқларга кўтарилган ўзбек армияси ташқи таҳдидларга қарши тура олишга қодир эмас.

Шу ва бошқа омиллар расмий Тошкентни эски гиналарни унутишга ҳамда Анқара ва Бишкекка «таклифлар» билан мурожаат қилишга мажбур қилди.

Бу Ислон Каримовнинг фақат кучни ҳурмат қилишини яна бир бор тасдиқлайди. Ҳарбий қудрат қаршисида Каримов ҳатто Марказий Осиёдаги ўзининг асосий душмани ҳисоблаган тожик ҳамкасби Имомали Раҳмон олдида тиз чўқишга ҳам тайёр.

Бу эса Атамбаев ва Раҳмоннинг

ўз хоҳишига кўра ўзлари учун таҳликасиз бир шаклда Каримовнинг қуролли муҳолифат бостириб кириши қаршисидаги ваҳимали кўрқувини манипуляция қилишлари мумкин дегани.

Бундан ташқари, қирғиз ва тожик ҳукуматлари Каримовнинг қуролли рақиблирига ўз ҳудудларидан йўлак очиб бериб, Каримовни ағдаришга восита бўлишлари ва Марказий Осиёни бу ўлатдан қутқаришлари ҳам мумкин.

Бирок, қирғиз ҳукумати ҳам, тожик ҳукумати ҳам, ўзбек муҳолифати ҳам унутмасликлари керакки, Каримов қўшниларига қарам бўлган вазиятда узок қолмайди.

Юқорида таъкидланганидек, ўзбек Хавфсизлик Кенгаши аллақачон ўзбек армиясини ташқи душманга қарши жангларга йўналтиришга, мамлакатнинг ҳарбий-техникавий базасини замонавийлаштиришга қаратилган янги ҳарбий доктрина ишлаб чиқишни бошлаб юборган. Бу янгиланиш жараёни тугаганда қўшни давлат раҳбарлари учун ҳам, қуролли ўзбек муҳолифати учун ҳам каримов ҳукуматини ағдариш имкониятлари кескин камайиши турган гап.

Усмон ҲАҚНАЗАРОВ
сиёсатшунос
20.07.2014

Қирғизистон Ўзбекистоннинг газ беришидан умидини узди

Қирғизистон бош вазири Жўумарт Утўрбаев куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёни билан танишиш мақсадида икки кунлик хизмат сафари билан Уш ва Жалолобод вилоятларига борди, деб ёзади gezitter.org.

Маълумки Ушлиқлар тўрт ойдирки Ўзбекистондан газ кўтишмоқда. Ушбу муаммо ҳал бўлмагани тўғрисида ҳукумат раҳбари келаётган қишнинг оғир бўлиши ҳақида огоҳлантирди.

Ўзбекистоннинг Қирғизистон жанубига газ беришидан умидини узган бош вазир газга муқобил сифатида минтақанинг электр энергетикаси салоҳиятини ошириш лозимлигини таъкидлади.

«Газ етказиб бериш билан боғлиқ муаммолар сабаб биз жанубий минтақанинг энергетика салоҳиятини максимал даражада кучайтиришимиз керак. Мавжуд вазиятда муқобил энергия турларига ўтиш масаласи жуда муҳим.

Шу сабабли ҳам «Ўшэлектро» ОАЖ нинг энергетика салоҳиятини ошириш учун 100 млн. сўм ажратилиши мўлжалланган», — дейди бош вазир.

Ҳозирда вилоятни ўрта корхона газ баллонлари билан таъминламоқда. Бироқ мутахассисларнинг фикрича, бир вақтнинг ўзиде объектларни кўмир билан иситишга ўтказиш керак.

Ўз навбатида Қирғизистон ҳукумати мамлакат жануби аҳолисининг газга бўлган эҳтиёжини муқобил сифатида тожик электр энергияси ҳисобига қондиришга умид қилмоқда.

Хусусан, бу йил Тожикистонда сув сероб бўлганлиги тўғрисида Қирғизистон тожик электрэнергиясини 1 кВт/с учун 2 центдан сотиб олишни ва ўз фуқароларига 1,5 центдан сотишни мўлжаллаган.

Қолган сумма эса давлат субсидияси асосида қопланади. Бу бошқа давлатларнинг экспорт



нархига нисбатан анча арзон саналади. Чунки Қозоғистон 1 кВт/с электр энергиясини 5-6 центдан сотади, Қирғизистон ҳукумати эса бундай катта фарқни субсидия қила олмайди. Жўумарт Утўрбаев қирғиз ҳукумати Россиядан олинадиган 30 млн. доллар атрофидаги грант маблағини Ушга сарфланишини маълум қилди.

Бош вазирнинг сўзларига кўра, шундан 393 млн. сўм (тахминан 7,6 млн АҚШ доллари) Барак Обамадан фуқароларнинг кўчиб келиши ва Уш шаҳридаги Ке-Сой массивидаги инфратузилма қурилишига ажратилади.

ЎХХ ахборот бўлими



академиясининг Фарғона филиалида 115 талабалик ўрнига 2599 нафар абитуриент хужжат топширган.

Олий таълим муассаларига кириш синов имтиҳонларини амалга ошириш “Олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни қабул

Назаримизда, Низомнинг энг муаммоли қоидаси бу тест синовлари ҳар бир олий таълим муассасаси бўйича таълим йўналишлари, ўқитиш тиллари ва шаклларига кўра алоҳида ўтказилиши ҳақидадир.

Бундай тартибнинг ўрнатилиши натижасида абитуриент фақат битта олий таълим муассасасига хужжат топшириш имкониятига эга бўлиб, тест синовларини муваффақиятли топширмаган тақдирда кейинги йил ўтказиладиган синовларни

Ўзбекистонда олий ўқув юртига кириш имтиҳонларининг бир кунда ўтказилиши фуқаролар ҳуқуқини бузадими?

Ўзбекистонда олий таълим муассасаларининг сони, тахминан, 70 та бўлиб, йилига 56722 нафар талабани қабул қилади. Давлат тест маркази маълумотида кўра, ўтган йили Тошкентдаги олий таълим масканлари орасида абитуриентлардан энг кўп аризаларни Тошкент Давлат техника университети (16219), Тошкент Давлат педагогика университети (15606), Ўзбекистон Миллий университети (13286), Тошкент Давлат аграр университети (10540) ва Тошкент ахборот технологиялари университети (8578) қабул қилган.

Республикадаги барча олий таълим муассасаларига имтиҳон бир кунда ўтказилади. Натижада абитуриент фақатгина битта университетга хужжатларини топшириш имкониятига эга, холос.

Давлат тест маркази берган маълумотларга кўра, 2013-йил 480405 нафар абитуриент олий ўқув юртларига хужжат топширган. Демак, ҳар бир ўрин учун энг камида 8 та даъвогар тўғри келган. Баъзи жойларда эса бир ўрин учун 23 нафар абитуриент даъвогарлик қилган. Масалан, Тошкент Тиббиёт

қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом билан тартибга солинади. Унинг асосий қоидалари қуйидагичадир:

- Олий таълим муассасаларига қабул тенг ҳуқуқлик, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, тест синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниш ҳуқуқи таъминланади.

Қолган абитуриентлар тест баллари рейтинги асосида белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш ҳуқуқига эгадирлар.

- Танлов ҳар бир олий таълим муассасаси бўйича таълим йўналишлари, ўқитиш тиллари ва шаклларига кўра алоҳида ўтказилади;

- Тест синовлари, шунингдек, уларни ўтказиш тартибини белгилаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан амалга оширилади.

- Тест синовлари кундузги ва махсус сиртқи бўлимлар учун 1 августда ўтказилади.

кутишга мажбур бўлади.

Масалан, 2013-йилда Тошкент давлат юридик институтига (ТДЮИ) кириш бали 215ни ташкил этган бўлса, аммо абитуриент 209 балл тўплаган бўлса, у бу йил нафақат ТДЮИда, балки Ўзбекистон ҳудудида жойлашган юридик ёки юридик соҳага яқин бўлган бошқа йўналишда (юридик таълим ёки халқаро муносабатлар) ўқиш ҳуқуқидан ҳам тўлиқ маҳрум бўлади.

У ТДЮИдан бошқа шу йўналишдаги олий ўқув юртларига кириш балидан юқори бал йиғган бўлса ҳам. Ёки 2013-йилда Андижон давлат университети (АДУ) ҳуқуқ бўлимига кириш бали 190 бўлган бўлса, аммо абитуриент 218 балл тўпласа, у фақат АДУда ўқиш имкониятига эга бўлади. Ваҳоланки, у тўплаган бал ТДЮИда ўқиш ҳуқуқини бериш даражасида юқоридир.

Қабул шартлари ва абитуриентлар йиғадиган баллар билан боғлиқ бу воқелик, назаримизда, бир қатор ҳуқуқий муаммоларни келтириб чиқаради.

Манба: tashabbus.uz

Ўзбекистондаги маҳаллий нашрларнинг хабар беришича, Тошкент вилоятида қуввати суткасига минг топнна шакар ишлаб чиқариша етадиган замонавий шакар заводи иш қурилиши бўйича лойиҳани амалга ошириш якунланган.

Хабарда таъкидланишича, бу ҳақда Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси томонидан эълон қилинган маълумотда тилга олинади.

Завод “Ангрен” махсус

Ўзбекистонда узоқ кутилган шакар заводи ишга туширилгани хабар берилди

индуриал ҳудудида жойлашган. Лойиҳани амалга оширишда ўзбек томони билан Сингапурнинг «Welton International Enterprises Pte. Ltd.», «Kito Investment Pte. Ltd.» ҳамда Австриянинг «SEID Handelsgesellschaft m.b.H.» ширкатлари ҳамкорлик қилган. Қурилишнинг умумий қиймати \$ 105 млн. дан ошади.

Эслатиб ўтамыз, жорий йилнинг июнь ойида Тошкент шаҳрида ва Ўзбекистоннинг бир қатор вилоятларида шакар танқислиги кузатилиб ушбу махсулот нархининг бир неча баробарга ошиб кетишига олиб келганди. Натижада шақарга нисбатан қатъий белгиланган нарх ўрнатилганди.

UZBEK.FM

(Давоми: Боши олдинги сонда)



Закариё алайҳиссаломнинг келиб чиқиши

Закариё бин Бараҳё (1) алайҳиссаломнинг уруғи Сулаймон бин Довуд алайҳиссаломга (2), у эса Яхуза бин Ёқуб алайҳиссаломга тақалади (3). Закариё алайҳиссалом Анбиё ўғилларидан бўлгани учун Байтулмақдисда ваҳий ёзар эди. Зотан, Анбиё ўғилларидан (4) ва ёки Бани Исроилнинг олимларидан (5) бўлиб (6), ўзини (7) ва ёки наслини Байтулмақдис хизматига бағишламаган одам йўқ эди (8). Закариё алайҳиссалом Исроил ўғилларининг ҳам пайғамбари, ҳам дин олимлари ва маслаҳатчиларининг раиси эди (9). Касби дурадгор эди (10).

Закариё алайҳиссаломнинг пайғамбарлиги

Исроил ўғилларига энг сўнг юборилган пайғамбарлар Довуд алайҳиссалом хонадонидан Закариё, Яҳё бин Закариё ва Исо бин Марям алайҳиссаломлар эди (11).

Бу хусусида Қуръни Каримда шундай дейилади:

“Биз унга (Иброҳимга) Исҳоқ ва Ёқубни эҳсон этдик ва ҳар бирини ҳидоятга (нубувватга) эриштирдик. Ундан аввал Нуҳни ва унинг наслидан Довудни, Сулаймонни, Айюбни, Юсуфни, Мусони ва Ҳорунни ҳидоятга қовуштирдик. Биз яхши амал ишлаганларни шундай мукофотлаймиз. Закариёга, Яҳёга, Исога ва Илёсга (ҳам шундай ҳидоят, нубувват) бердик. Уларнинг ҳаммаси солиҳлардан эди (12).

Закариё алайҳиссаломнинг Аллоҳдан бир ўғил тилаши

Закариё алайҳиссалом тўқсон икки (13) ва ёки тўқсон тўққиз (14) ёки юз йигирма ёшида, завжаси эса тўсон саккиз ёшида экан (15), улар Ҳазрати Марямнинг масжиддаги хонасига қачон киришса, киш мавсумида ёз меваси, ёзда эса киш меваси турганини кўрадилар (16). Закариё алайҳиссалом бундан ҳайратланиб:

- Эй Марям (17), булар сенга қаердан келади? — деб сўради, Марям эса :

- Аллоҳ тарафидан, — деб жавоб беради (18).

Закариё алайҳиссалом бу мўжизани кўриб:

- Марямга буни берган менинг завжамга ҳам бола туғиш

қобилиятини берар, — дея Аллоҳдан бир ўғил эҳсон этиш учун дуо этди (19).

Бу хусус Қуръни Каримда шундай баён қилинади:

“Закариёниҳамэсла. Закариёнинг “Парвардигорим, мени ёлғиз ҳолда ташлаб қўйма (яъни менга ўз даргоҳингдан бир меросхўр фарзанд ато эт), ўзинг ворисларнинг яхшироғидирсан (яъни ҳамманинг ортида қолгувичидирсан)”, — деб нидо қилган пайтини (эсланг).

“Бас, Биз унинг (дуосини) мустажоб қилдик ва унга Яҳёни ҳада этдик — ҳамда жуфтини ўнглаб (туғмайдиган кампирни бола кўришини кодир қилиб) қўйдик. Дарҳақиқат, улар (яъни мазкур пайғамбарлар) яхши ишларни қилишга шошар ва Бизга рағбат ва кўрқув билан дуо илтижо қилардилар. Улар бизга таъзим-итоат қилгувчи эдилар.” (20)

(Эй Муҳаммад, ушбу) Парвардигорингиз Ўз бандаси Закариёга қилган марҳаматининг зикри-қиссасидир.

Эсланг! У Парвардигорига хуфёна дуо илтижо қилиб, деган эди:

“Парвардигорим, дарҳақиқат, менинг суқларим мўртлашди, кексалиқдан бошим — сочим оқарди. Парвардигорим, мен сенга дуо қилиб (ҳеч қачон) ноумид бўлган эмасман. Мен оргимда қоладиган қариндош-уруғларим (менинг динимни зое қилиб юборишларидан) хавфдаман. Хотиним туғмас бўлиб қолган. Энди Сен ўз даргоҳингдан менга ва (бобом) Ёқуб хонадонига меросхўр бўладиган бир дўст (яъни фарзанд)

ҳада этгин ва уни (ўз наздингда) рози бўлинидиган (солиҳ) кишилардан қилгин!” (21)

Ўшанда Закариё Парвардигорга дуо қилиб деди:

“Парвардигорим, менга ҳам ўз ҳузуриндан бир покиза фарзанд ато эт! Албатта сен дуо илтижоларимни эшитгувчисан”.

Сўнг меҳробда намоз ўқиб турган вақтида, унга фаришталар нидо қилдилар:

“ (Эй Закариё,) Аллоҳ сенга, Аллоҳнинг сўзини тасдиқ этадиган, (ўз қавмига) хожа бўладиган (шаҳватлардан ўзини) тиядиган ва солиҳ пайғамбарлардан бўладиган Яҳё исмли фарзанд хушхабарини берур (22)”.

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (16).

(Аллоҳ айтди):

“Эй Закариё, биз сенга бир фарзанд хушхабарини берурмизки, унинг исми Яҳё бўлиб, илгари унга бирон (кимсани) отдош қилган эмасмиз (23)”.

“Парвардигорим, менга кексалик етган, хотиним туғмас бўлса, мендан қандай фарзанд бўлсин?” — деди (Закариё).

(Аллоҳ) айтди:

“Шундай, Аллоҳ истаган ишини қилур (24)”.

(Закариё) деди:

“Парвардигорим, хотиним туғмас бўлиб қолган, ўзим эса кексалиқнинг (умримнинг) ниҳоясига етиб қолган бўлсам, мендан қандай фарзанд (бунёд) бўлсин?” (“Марям” сураси, 8).

“Парвардигорим, менга кексалик етган хотиним туғмас бўлса, мендан қандай фарзанд бўлсин?”- деди (Закариё).

(Аллоҳ) айтди:

“ шундай, Аллоҳ истаган ишини қилади.” (25)

“Парвардигорим, мен учун (кампирим ҳомилали бўлганига) бирон белги-аломат қилсанг,” — деди у.

Аллоҳ айтди:

“ Сенга белги шуки, уч кун одамларга фақат имо-ишора билан гапира оласан. Парвардигорингни мудом ёд қил ва туну кун У зотни поклаб ибодат қил (26)!”

“Парвардигорим, мен учун (кампирим ҳомилали бўлганига) бирон белги аломат қилсанг”, — деди у (Закариё) (27).

(Аллоҳ) айтди:

“Жўн бир имо-ишорадан

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

бошқа уч кеча одамлар билан гаплаша олмайсан (28-29). Бунинг баробарида, Роббингни кўп хотирла ва уни кеча кундуз тасбиҳ эт, — деди (30)”.
Бас (Закариё) меҳробдан қавмининг олдига чиқиб, уларга эртаю кеч (Аллоҳни) поклаб, ибодат этишни ишорат билан буюрди (31).

Яхё алайҳиссаломнинг туғилиши

Яхё алайҳиссалом Исо алайҳиссаломдан олти ой аввал туғилди (32) яъни Исо алайҳиссаломдан олти ой катта эди (33)

Яхё алайҳиссаломнинг шакли шамойили

Гўзал чехрали, киё қошли, сийрак сочли (34), узун бурунли (35), ингичка овозли, калта бармоқли эди (36).

Яхё алайҳиссаломнинг пайғамбарлиги

Аллоҳ Таоло Яхё алайҳиссалом ҳақида Қуръони Каримда шундай дейди: “(Биз унга) “Эй Яхё! Китобни (Тавротни) маҳкам ушлагин, (дедик). Унга гўдаклик чоғидаёқ хикмат-маърифат ато

қаерда бўлса — ўша ерда қолар эди. На бир хизматкори, на бир жорияси бор эди. Аллоҳга кўп ибодат этар, жаҳаннам кўркуси ила тинмай йиғларди. Закариё алайҳиссалом халққа ваъз этар экан, жамоат орасида Яхё алайҳиссалом бўлса, у на жаннатдан ва на жаҳаннамдан сўз очарди (48). Исо алайҳиссалом Яхё алайҳиссалом билан ҳар сафар кўришганда, уни ҳазин ва қайғули кўрарди.

Бир куни унга (6):

- Эй Яхё, мен сени доим ҳазин ва қайғули кўраяман. Ёки сен Аллоҳнинг раҳматидан умидингни кесдингми?, — деди Исо алайҳиссалом.

- Мен ҳам сени доим севинчли кўраяман. Ёки сен Аллоҳ Таолонинг макридан (ибтило ва имтиҳонидан) кутилганинга амин бўлдингми?, — деб жавоб берди унга Яхё алайҳиссалом.

Бу хусусда инган ваҳий ила Исо алайҳиссаломнинг сўзи тасдиқланади. (49). Яхё алайҳиссалом бани Исроил байрамларида ваъз этар, уларни Аллоҳу Таолога даъват этарди (50). Ҳорис ул-Ашъарнинг пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан қилган ривоятга кўра, Аллоҳу Таоло Яхё бин Закариё алайҳиссаломга ҳам ўзи учун ҳам

олтиниға бир хизматкор (қул) олиб ишлатса, қул меҳнатидан қозончини соҳибига эмас, бошқа биттасига берса, ким ўз қулининг ҳаракатига рози бўлади?! Аллоҳга шерик кўшмасдан ибодат этингиз! Аллоҳ сизга намоз қилишни амр этди. Намозга турганингизда атрофга аланглаб, соғу-сўлга қараманглар. Шубҳа йўқки, Аллоҳу Таоло қули юзини бошқа тарафга бурмагунча, доим қулига йўналгандир. Аллоҳ сизга рўзани амр этди. Бунинг мисоли шу: Ёнида миск қопчиғи бўлган бир инсон жамоат ичига кириб келса, ҳамма ундаги миск бўйини ҳидлар, шубҳасиз, рўза тутган одамнинг оғиз хиди Аллоҳ наздида миск бўйидан ҳам гўзалроқдир. Аллоҳ сизларга садақани амр этди. Бунинг мисоли шу: душманни асир этиб, бошини кесаётган пайтингизда, жонини қутқариш учун вақтинча сизга бир фидя берган кимсани тасаввур этинг. Аллоҳ сизга уни (Аллоҳни) зикр этишни амр этди. Бунинг мисоли шу: Одам ўзини таъкиб этиб келаётган шафқатсиз душмандан қочиб, мустаҳкам бир қалъага келиб яширинди. Қул ҳам токи Аллоҳни зикр этар экан, шайтондан шундай кутилади (51).

Исроил ўғилларининг Яхё алайҳиссаломга саволлари

Юҳаннага кўра, Исроил ўғиллари учта пайғамбарнинг келишини кутаётган эдилар.

Биринчиси: такрор келади дея ҳисобланган Илё.

Иккинчиси: Масих Исо алайҳиссалом.

Учинчиси: ҳамманинг билгани ва исми айтилмасдан, “у — Пайғамбар”, деб айтилган Пайғамбар.

Шу боис, Исроил ўғиллари Яхё алайҳиссаломдан:

- Сен кимсан?, — сўрадилар.

- Мен Масих эмасман, — деди Яхё алайҳиссалом.

- Бўлмаса кимсан? — дейишди Исроил ўғиллари, — сен Илёмисан ёки?

- Йўқ, — деди Яхё алайҳиссалом. - Ёки сен “у—Пайғамбар”мисан?, — дейишди.

- Йўқ, — деди Яхё алайҳиссалом. - Ундай бўлса, сен кимсан?, — дедилар Исроил ўғиллари.

- Мен Ишога пайғамбарнинг айтгани каби, “Роббингнинг йўлини тузатингиз”, дея чўлда давъат қилганнинг овозиман.

(Давоми келгуси сонда)

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (16).

этдик. Яна унга ўз даргоҳимиздан меҳр ва поклик (ато этдик). У жуда муттақий (такводор) бўлди. Ота-онасига меҳрибон эди, жабру ситам қилувчи, осий эмас эди. Унга туғилган, кунда ҳам, вафот этадиган кунда ҳам, қайта тириладиган кунда ҳам омонлик, салом бўлсин”. (Марям 12-15).

Яхё Алайҳиссаломга тенгдош болалар:

- Эй Яхё, биз билан ўйна, кел!, — деб чақирганларида (38), у:

- Биз ўйин учун яратилмадик (39). Мен ўйин учун яратилмадим, - дерди (40). У саккиз ёшида Байтулмақдиснинг хизматига кириб, ўн беш ёшига қадар у ерда кундузи хизмат қилиб, кечалари фарёд этиб йиғларди (41). Яхё алайҳиссалом болалигидан бери (42) Аллоҳу Таолога тоатда (43) ниҳоятда ғайратли (44), кучли (45) Аллоҳга ибодатда инсонларнинг улуғи эди (46). У юнган тўқилган кўйлак кийиб, арпа нони ер эди. Яхё алайҳиссаломнинг на бир динори, на дирхами, на ётадиган ери, бир маскани бор эди (47). Кеча

Исроил ўғиллари учун амал этишга беш калима амр этганди.

Бу хусусида оғир ва секин ҳаракат қилган Яхё алайҳиссаломга танбеҳ берган Исо алайҳиссалом шундай деди:

- Сен ҳам ўзинг, ҳам Исроил ўғиллари амал этишларингиз керак бўлган беш калимани ёки сен таблиг эт, ёки мен таблиг этаман!

Буни эшитган Яхё алайҳиссалом:

- Эй биродарим, сен бу вазифани адо этишда мендан олдин кетсанг, мен азобга учрагилишимдан ёки ерга ботирилишимдан кўрқаман, — деди ва дарҳол Исроил ўғилларини Байтулмақдисга тўплади. Байтулмақдис Исроил ўғилларига тўлди.

Яхё алайҳиссалом юксак бир ерга ўтириб, Аллоҳга ҳамду сано этгандан сўнгра, шундай деди:

- Аллоҳу Таоло ҳам ўзим амал этишим учун, ҳам сизнинг амал этишингиз учун менга бешта калима юборди. Улардан биринчиси:

Унга ҳеч шерик кўшмасдан Аллоҳга ибодат этишингиздир. Бунинг мисоли шу: Ўз моли ва

Яқинда Ўзбекистонни кезиб чиккан бир хорижлик одам мамлакатимиздаги қийин ижтимоий-иқтисодий-сиёсий вазиятга қарамадан одамларда ҳокимиятга нисбатан бирон-бир норозилик қайфиятини кузатмаганини айтди.

“Ўзбеклар бутун бу қийинчиликларга биз, англияликлар об-ҳавонинг ёмон келганига қандай қарасак, ўшандай қарашади”, дейди хорижлик меҳмон халқимизнинг қайфияти ҳақида.

Афсуски, халқимизнинг умум қайфи-ҳоли ҳақиқатан ҳам шундай. Одамларимизнинг аксарияти мамлакатда газнинг, электрнинг, қонун-қонданнинг, тартиб-интизомнинг, ишнинг, фаровонликнинг, ҳаловатнинг, эркинликнинг йўқлигини ҳукумат билан боғламайди.

Улар ҳукумат тарафидан қилинаётган бутун бу қонунсизлик ва зулмларга табиатнинг бир ижиклигига қарагандай қарайдилар.

Ўлкада маҳкумлик, тақдирга тан бериш туйғуси устувордир. Аммо бу маҳкумлик ва тақдирга тан бериш туйғуси тақводирликдан, художўйликдан келиб чиқаётгани йўқ.

Бу маҳкумлик туйғуси Аллох ҳукмига итоат шууридан эмас, балки, бир бечоранинг қалбида зулм салтанати маҳкамалари чиқарган жазо ҳукмидан ҳосил бўлган маҳкумлик туйғусидир.

Бугун улкан бир хибсхонага айланган ўлкада бир ҳовуч ўғрилардан бошқа ҳамма ана шу маҳбуслик, маҳкумлик туйғуси билан яшамоқда.

Нега “халқ – кучдир” деган ибора бизда ўз исботини топгани йўқ? Чунки, ўлкамизда ҳозир халқнинг ўзи йўқдир, унинг ўрнида 30 миллион ёлғиз одам бор, ҳолос. Халқ қачон пайдо булади?

Дин, миллий урф-одатлар, анъаналар, маънавият тикланган пайтда. Хўш, бу нарсалар қачон тикланади?

Адолат туйғуси тикланганида, чунки, бутун бу қадриятлар адолат туйғуси устига қурилгандир. Адолат бўлмаган жойда, яъний, бутун қадриятларнинг пойдевори бўлмаган жойда на дин, на урф-одат ва анъаналар ва на маънавият булади.

Демак, адолат бўлмаган, адолат туйғуси яқсон қилинган жойда



Мақсуд Бекжон: Боғларнинг тикланиши

халқнинг ўзи ҳам бўлмайди, у тарқаб кетади. Халқнинг ўрнида бир-бири билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган миллионлаб ёлғиз одамларгина қолади, ҳолос. Демак, халқнинг халққа айланиши учун, яъний, бугун унинг бошига келаётган бутун қулфатлардан қутилишнинг ягона йўли – адолат туйғусининг тикланишидир.

Бунинг учун халқимиз аввало, узилган нарсаларни қайтадан бир-бири билан боғлай бошламоғи лозим.

Масалан, инсонларимиз мамлакатдаги вазиятни бу мамлакатни бошқараётган ҳокимият сиёсати билан мантиқан боғламоқлари керак.

Ва айна пайтда қалбида адолат туйғуси билан яқинлари, қўшнилари, таниш-билишлари билан узилган боғларни тикламоқлари лозим.

Маҳаллалар маҳаллалар билан боғланиши, туманлар туманлар билан, вилоятлар вилоятлар билан боғланиши керак.

Аҳоли бор-у, аҳиллик йўқ, халқ йўқ ўлкада; жамият бор-у, жамлик йўқ, жамоат йўқ мамлакатда яшаётган 30 миллион нафар ёлғиз одам бир-бири билан боғланиб, 30 миллионлик яхлит халққа айланиши лозим.

Ўшанда инсонларимизнинг атрофда кўраётган нарсалари уларнинг шуурлари, виждонлари, иймонлари, билан боғланади. Ўшанда бу халқ умум башарият билан ва охир оқибат Ҳақ билан боғланади.

Ўшанда қўшнисининг уйини ўғри ёки миришаб босган одам

билади-ки, бу босқинчилик фақат қўшнисининг эмас, ўзининг ҳам бошига келган қулфатдир. Одам бу бахтсизликнинг фақат қўшнисига эмас, балки, ўзига ҳам синов сифатида юборилганини англайди.

Боғларнинг чамбарчаслиги тақдирларнинг ҳам чамбарчаслигидир.

Шоҳига урилган хўкизнинг туёғи зириллаши ҳақдаги ибора шу ўринда жуда ибратлидир. Зотан, ҳукумат тепасидаги ўғри ва каззобларнинг ҳимояси ҳам мана шундай ўзига хос аҳилликка, яъний, шоҳига урганда туёғи зириллаб, бу оғрикка қарши чора кўришга қурилгандир.

Бу йўсин аҳиллик ва яхлитлик борасида халқ ҳукуматдан ўрнак олса бўлади – бир манфаат атрофида бирлашган бир ҳовуч каззоблар ўз аҳиллиги билан мамлакатни 20 йилдан бери талон-тарож этиб, халқни қатлиом қилмоқда.

Бугун ўлкамизда ҳукм юргизаётган золимларнинг халқдан устунлиги сабаби бу золим ва ўғриларнинг бир-бири билан халқдан кўра, аҳилроқ ва жипсроқ эканлигида ва бир-бирларига доим ёрдам ва дастак берганлигидир. Халқнинг ҳам ўз манфаати йўқми, халқ ўз манфаатини билмайдими? Агар билса, нега бу манфаат атрофида бирлашмасинлар?

Нега каззоблар ўз каззоблигида аҳил-у, халқ ўз эзгулигида аҳил эмас? Демак, халқимизнинг маҳкумликдан, забунликдан, мутеликдан, зулмдан қутилиши учун унинг бирлашиб, адолат учун кураш бошламоқдан бошқа йўли йўқдир.

Мақсуд Бекжон



УСМОН ҲАҚНАЗАРОВНИНГ ТАХМИНИ ТЎҒРИ ЧИҚДИ

БиБиСи Радиосининг Ўзбек шўъбаси Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комиловнинг Тожикистонга сафари Шанхай Ҳамкорлиги аъзолари учрашуви доирасида ўтади, деган хабар тарқатди. Бу сафар икки мамлакатда ҳам энди ўртадаги муносабатлар яхшиланади, деган умидларни уйғотмоқда, дейилади хабарда.

Бу мавзуда Радиога интервью берган сиёсатшунос Фарход Толипов фикри куйидагича: «Ташқи ишлар вазиримизнинг Шанхай доирасида бўлса-да, Тожикистонга бориши аҳамиятли кадам» — дейди Тошкентдан — «Умид қиламанки, бу энди икки давлат раҳбарлари учрашувига ҳам йўл очади». Сиёсатшунос олим визалар бекор қилиниши, йўллар очилиши, борди-келди ва савдо-сотик кучайиши ҳамда икки давлат орасида парвозлар қайта тикланишига умид қилади».

Бу хабар сиёсатшунос Усмон Ҳақназаровнинг 23 июл куни саҳифамизда чоп этилган «Каримов режимининг Туркия ва қўшни ўлкалар билан муносабатда кучли ва ожиз нуқталари» мақоласида айтган тахминини тасдиқ этади.

Бу мақолада Усмон Ҳақназаров куйидаги фикрларни билдирганди: «Ўзбекистон МХХ ва ТИВ томонидан қирғиз ҳукуматига тақдим қилиш мақсадида ишлаб чиқилган таклифлар жамланмаси лойиҳаси ўзбек ҳукуматининг қуролли муҳолифатдан қанчалик қўрқиниши намоён қилди. Ушбу таклифларнинг қоралама нусхаси Ислом Каримов ҳукумати томонидан Қирғизистон ва Тожикистонда яшовчи этник ўзбекларга каримов режимига

қарши қуролли ҳаракатларни қўллашга тайёр аҳоли сифатида қаралишини исботлади...

Ислом Каримов ташаббуси билан ўзбек армияси ташқи душманга қарши курашдан мамлакат ичкарисидидаги оммавий норозилик намоишларига, қуролсиз аҳолига қарши курашга йўналтирилганди. Яқин кунларгача Тошкент бу «йўналишни» президент Каримовнинг «ақлли ва

узокни кўзлаб амалга оширган қадами» деб ҳисобларди. Бирок, 2013 йилнинг охирида ва 2014 йилнинг бошига келиб каримов режими муҳолифларининг кескин радикаллашуви кузатила бошлади, ҳаттоки дунёвий муҳолифат вакиллари ҳам тинч йўллар билан курашнинг бефойдалиги ва режимни ағдариш учун қуролли усулларни қўллаш лозимлиги ҳақида гапиришни бошлашди.

Ислом Каримов ва унинг атрофидагилар эса ўзбек ҳукуматининг ҳарбий доктринаси нотўғри эканлигини тушунаиб етишди. Украинадаги воқеалар мазкур доктрина нотўғрилигининг амалдаги исботи бўлди. Украинада яхши таъминланган ва кўп сонли армия баъзи ҳудудларини россиялик рақиблирига жангсиз бериб қўйишди. Бундан сабоқ олган бўлса-да, Ислом Каримовда ўзбек армиясини ташқи таҳдидларга қарши қайтадан ислоҳ этиш учун вақти йўқ. Ва бу армияни замонавий ҳарбий техника билан таъминлаш учун унда маблағ ҳам йўқ.

Шунинг учун ҳам у вақтдан ютишни истайди. Қирғизистон ҳукуматини жангарилар билан кўрқитиб ёки унга газ ҳамда бошқа қулайликларни таклиф қилиб, уни ўз режимини қутқариб қолиш ишига жалб қилишни истайди.

Тошкент шунга ўхшаш таклиф билан Душанбега ҳам мурожаат қилишни режалаштирмоқда. Тожик тарафи учун таёрланган «таклифлар пакети»да электрэнергияси ва газ имтиёзларидан ташқари Тожикистонга юк ташиш транзитини қайта йўлга қўйиш масаласи ҳам киритилади».

ЎХХ ахборот бўлими

Ўзбекистонда муслмонлар устидан назорат кучайган

Ўзбекистон адлия вазирлиги мамлакатдаги диний ташкилотларнинг давлатдан бутунлай мустақиллигини айтган.

Ўзбекистон адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Худоёр Мелиевнинг сўзларига кўра, давлатнинг дин ва виждон эркинлиги борасидаги сиёсати Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт тамойилларига асосланган. Бу ҳақда 12news.uz нашри берган маълумотга таяниб ВВС ўзбек хизмати хабар тарқатди.

Айни пайтда мулозимга кўра, Ўзбекистонда диний ташкилотлар сони 2230 тага етган. Аммо адлия вазирлиги мулозими масжидлар сонининг қанча эканига аниқлик киритмаган.

Ўзбекистон ҳукумати берган маълумотга кўра, 2012 йилда мамлакатда 2050 та давлат рўйхатидан ўтган масжид фаолият кўрсатган. Ўтган жума Президент Ислом Каримов Тошкент марказида барпо этилаётган «Минор» масжиди қурилишини бориб кўрган. 2000 дан ортиқ кишига мўлжалланган ушбу масжид сўнгги 20 йилда қурилган биринчи йирик масжиддир.

Минтақанинг энг йирик мусулмон аҳолисига эга 31 миллионлик Ўзбекистонда масжидлар сони қўшни Қозоғистондагидан кам. Ўзбекистон ҳукумати фуқароларнинг диний эркинликларини чеклаётгани учун танқид қилиб келинади.



Халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотларига кўра, мамлакат камокхоналаридаги минглаб сиёсий маҳбусларнинг аксарият кўпчилиги диний эътиқоди учун маҳкум этилганлардир. Мустақилликдан сўнг динга нисбатан эркинликлар берилган бўлса-да, хусусан, Ислом устидан назоратнинг шўро давридаги усуллари сақланиб қолган.

UZBEK.FM

Сўфи Оллоёр билан Васлав Хавелни бирлик ичига оладиган мантиқ бор. Турли даврларда ва турли шароитларда яшаган бу икки донишманд бир хил гапни айтишган.. Буга «Кучсиз, қуролсиз одамнинг кучли ва улкан қуролга эга бўлган ёвузлик устидан қолиб чиқа олиши» ҳақида. Уз даврида одамларни даҳшатга солиб, кемаларни чўктиргувчи қароқчи бўлган ва жисмоний куч нималигии билган ва умр адоғида тавба қилиб бошига қулоқ, эгнига жанда кийган Сўфи Оллоёр кучсизларнинг кучи ҳақида «Саботил ожизин» (Ожизларнинг саботи) деган

Эркин Ўзбек Мен сизга бир мисол келтираман. Сиёсий тайзиққаа учраб қамоқда ўтиришимга тўғри келган Мурод Жўраев ўтирган қамоқхонада ўтирганман. У ерда ўн минглаб сиёсий маҳбуслар ўтирибди. М.Жўраевдан аввал қамалганлар ҳам бор. Аммо айнан М.Жўраев ҳақида бутун дунё гапирди.

Шўхрат Бабажанов: Мурод Жўраев Парламент депутати, Эрк МК аъзоси. Муборак шаҳар ҳокими. Сиз эса ҳатто шу ерда ҳам «Эркин ўзбек» деган ник остида яширингансиз. Навоий айтгандек «Эл нетиб топгай мениким, мен

тармоқларда ҳар куни гапириб турибман. Айтган гапларим Ўзбекистон ичида эшитилмапти. Ўрни бир қадар фаолман. Ўзбекистонда эса икки синглим, бир укам, отам онам, куёвлар ва жиянлар бор. Мен ҳам бошқалар каби «агар ман гапирсам яқинларимга қийин бўлади» деб ўтирганим йўқ. Васлав Хавел айтгандек кучсизларнинг кучи уларнинг ҳақиқатни айта олишидадир.

Эркин Ўзбек: Сиз билан мени фарқим, мени сизга статусим йўқ. Эртага агар Россия рад этса борар жойим ҳам, кутиб оладиганлар ҳам йўқ. Уч йилдан бери омонат яшайман, мен ҳам Ўзбекистонда курашганман. Узимга ўхшаган қачонлардир курашиб, ҳозир боргани тайин жойи йўқ қийналиб юрганларни кўпини биламан. Агар сиз ҳам ҳимоясиз, бошпанасиз қолганингизда кечки пайт қаерда тунашни ўйлар эдингиз.

Мен ва менга ўхшаганлар ҳам ҳақиқатни айтаяпмиз, аммо бошпана ҳақида ҳам ўйлашга мажбурмиз шу сабаб овозимиз пастроқ. Оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойни ўғли гапирсин.

Шўхрат Бабажанов: Азиз дўстим. Мен Васлав Хавелнинг «Кучсизларнинг кучи» деган гапини боя сизга айтдим. Оллоҳдан кўрқинг бандасидан эмас дедим. Қадарга инонинг Оллоҳга таваккул қилинг дедим. Сиз барибир кўрқинишда бардавом бўлиш ҳақида гапиряпсиз. Ахир сизни балиқ ютиб юбормаганку. «Саботул-ожизин» деган асар бор Сўфи Оллоёрники. Уша ерда бошига мусибат тушганлар Оллоҳ кўмагида бу мусибатдан қутулгани ёзилади.

Ирода қилса ул Ҳаййу тавоно,
Қилур бир лаҳзада билмасни доно.

Халос этса бировни Раббод — афлоқ,
Қолур тоғ остида, андин чиқар пок.

Нечукки тутди тўфон дашту тоғи,
Ва лекин бўлмади хўл Нуҳ оёғи.
Халиллулоҳ учун ёндирдилар нор,

Қадам қўймай ўшал ўт бўлди гулзор.

Ғазаб ел одиларни қилди нобуд,
Эди ул ел насийми тобеи Худ.
Балиқ қорнида бир соҳиб каромат,

Чила ултирди —ю, чиқти саломат.
Шўхрат Бобоҷон

«Саботил ожизин» ёки кучсизларнинг кучи ҳақида яна бир бор

Ўғитлар китобини ёзди. Бу китобдан мурдадо шу эдики, токи одамлар мен ожиз бир қумурска бўлсам қандай қилиб филдай зулмга қарши тура оламан деб умидсиз бўлмасинлар деган орзудир. Сўфи Оллоёрдан анча кейин яшаган Васлав Хавел эса, ўзининг «Кучсизларнинг кучи» эссесида бу фикрни яна аниқлаштиради. «Кучсизларнинг кучи ҳақиқатни кўрқмасдан айтишдадир» дейди Хавел. Бу икки даҳо айтган гапни бир бирига боғлаган ўзбек сиёсатининг улкан арбоби Мухаммад Солиҳ «Қуролсиз кишининг озодлиги» эссесида ўзини жамлаган бир кишининг жасорати улкан армия кучига тенг дея бизга хулоса беради.

Аммо бугун Ўзбекистон ичкараси ва ташқарисидаги 31 миллион ватандошни тамсил қилганлар «Биз Каримовнинг СНБ, Прокуратура ва милицияси олдида ҳеч киммиз ва кучсизмиз» деб туриши одатий манзарага айланди.

Айни пайтда Ўзбекистон ҳақида чурқ этишга кўрққан бу ватандошлар Америка, Туркия президентларни бемалол ҳақорат қилишади. «Йўқолсин Ғазабдаги зулм» дейшади аммо «Йўқолсин Ғазабдаги зулм» дейишга жасорат йўқ.

Бир пайтлар(совет даврида) буларнинг ота оналари йўқолсин Чилидаги зулм деб митинглар ўтказишган эди. Бу ёзувларнинг ёзилишига ФБ фаоли Эркин ўзбек билан мунозара сабаб бўлди.

Эркин ўзбек «Нега араблар Ғазаб ҳақида қайғурмайди? дея савол қўйди. Мен жавоб бердим:

«Улар(араблар) ўз туялари ҳақида қайғуришади. Мен замонавий турк тарихчиси Элбар Уртойлини бир гапини эслатсам. Фаластинликлар Усмонлига хиёнат қилиб исён кўтарганлари бадалини қонлари ва жонлари билан тўламоқда.»

Ўзимни топмасам».

Эркин Ўзбек : Аслида мен тушунамани Мурод Жўраев номи остида бутун Ўзбекистондаги мазлумлар номи ётибди, шу каби Ғазаб номи остида ҳам бутун дунёда бўлаётган ноҳақликларга ғазаб ётибди.

Шўхрат Бабажанов: Нима бўлганда ҳам Навоий ўғити тўғри. Ўзбекистонда 13 та одамни исми тилга олинади сиёсий маҳкум сифатида. Мурод Жўраев, Самандар Қўқонов, Аъзам Турғунов, Мухаммад Бекжон ва ҳоказо...

Мен ўзбек қамоғидан ўлиги келганларнинг яқин қариндошлар билан гаплашганман. Улар бу ҳақда гапиришни иштамайди. Чунки ҳатарли. Улар бемалол Фаластиндаги зулм ҳақида гапиришади чунки бу масалада ҳатар йўқ. Одам бировни ҳимоя қилишдан олдин аввал ўзини ҳимоя қилишни уйдасин.

Эркин Ўзбек : Ака сиз ўзбекистондагиларга осон тутманг.

Шўхрат Бабажанов: Ўзбек мусулмонлари Оллоҳдан эмас СНБдан кўрқар экан зулм тугамайди. Кўрқоқликни эса ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Эркин Ўзбек: Аслида бу ерда масала мусулмонлар ҳақида ҳам эмас эди.

Шўхрат Бабажанов: Бу ерда масала зулмга қарши курашни ўз уйимиздан бошлайлик деган мавзуда. Совет пайтида пахта даласидаги ўзбек қуллари Чили озодлиги ҳақида мажлис қилишар эди. Традиция давом этмоқда.

Эркин Ўзбек : Аслида Ўзбекистонни бор муаммоси сизга ўхшаган фикри очиқ инсонларни чет элга чиқиб кетишида ёки қамалиб қетганида. Ким қолди ҳозир Ўзбекистонда халқни етакловчи ?

Шўхрат Бабажанов: Мен Озодлик радиосида , ФБ ва бошқа

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkin yurt
Мухаррир: Замир Малик